

КИШЛОК ХАКИКАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

1990 йил 14 декабрь

ЖУМА

№ 285 (5.078).



Элликқалъа районидagi «Қирққизбод» жамоа хўжалигининг Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси аъзоси Норгул Бозорова бошлиқ бригадаси деҳқонлари жорий йилда 70 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектар ҳисобига 25 центнер ўрнига 35 центнердан пахта етиштирдилар. Айни кунларда улар келгуси йил ҳосилини пухта замин яратиб беришга ҳаракат қилишди. Жамин майдон аялқачон шудгорлаб қўйилган. Ёрларни текислаш, маҳаллий ўғит жамғариш, сув тоқовчаларини тартибга келтириш каби қишқик юмушлар эса жадал олиб борилаётганда.

СУРАТДА: илгори бригада бошлиғи Норгул Бозорова.
Э. ҚОЗҚОВ
олган сурат.

КПСС Марказий Комитети пленумининг

1990 йил 11 декабрдаги қарори

Иттифоқ шартномасининг концепцияси ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида

1. Совет жамиятининг тараққиёти кўп миллатли давлатимизни янгилаш вазифасини кўн тартибига жуда ўткир қилиб қўйди.
КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдики, ягона Совет Иттифоқини янгилаш ва сақлаб қолиш халқларимиз эркин ривожланишининг зарур шартидир.
Энг муҳим муаммолар — иқтисодий, илмий, миллийликлар, сиёсий, ҳуқуқий муаммоларнинг ҳал этилиши, ҳокимият обрўсининг мустақамланиши, ССЖИнинг халқро мавқеи сақлаб қолиниши ва мустақамланиши янги Иттифоқ шартномасининг қабул этилиши билан боғланган.
Миллий сиёсатдаги нотўғриликларни тугатмай туриб, халқларга жумҳуриятларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллигини таъминлаб бўлмаганича пленумнинг ишончи қомил.

КПСС Марказий Комитети мамлакатнинг мустақил тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи тарзидagi янги давлат тузилишини имкон борича қисқа муддатларда ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ва мустақамлаб қўйиш тарафдоридир.

2. Пленум ҳисоблайдики, иттифоқ шартномаси концепцияси миллий-давлат тузилишини халқчиллик руҳида ўзгариштириш ва жамиятни жишлантириш учун негиз яратди. КПСС бу концепциянинг Иттифоққа бирлашиш ихтиёрийлиги, инсон қаерда яшайдиган қатъий назар, унинг ҳуқуқлари устунилиги, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи дахлизлиги, давлат сиёсатининг демократиялаш, иқтисодий эркинлик, мулк шакллариини хилма-хиллиги, миллий маданиятларнинг эркин ривожланиши ва бир-бирини ўзаро бойитиш, умумбашарий ва миллий қадриятларини бирга қўйиш йўли каби энг муҳим қондиларни қўллаб қувватлади. Бу принциплар КПССнинг миллий сиёсатига асосий ёндашувларига мос келадиган жумҳуриятларнинг мустақиллик тўғрисидаги декларацияларида Иттифоқни янгилашга қаратилган қондиларга асосланган.

3. Шу билан бирга пленум Иттифоқни янгилашнинг социалистик руҳи аниқ белгилаб қўйилди, жумҳуриятларнинг ваколатлари бафасири баён этилиши, шартноманинг субъектлари белгилалиши, шу тариха барча халқларнинг янгилашнинг Иттифоқини қуришда демократик тарафдаги иштироки таъминлалиши тарафлари эканини билдиради. Иттифоқда аъзолик тўғрисидаги масала халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиши орали, шу жумладан умумхалқ овозига қўйиш йўли билан ҳал қилиниши керак. Шартномада оз сонли халқларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишининг қафолатларини акс эттириш зарур.

4. Пленум ССЖИ Олий Кенгашининг «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида»ги қарорини, ССЖИ Президентининг давлат ҳокимияти амалдаги тузилишини ислох қилишга ва мустақамлашга, қонунларнинг талаблари бажарилишига, исломат, айниқса, озиқ-овқат бозоридagi вазиятни тартибга солишга, миллийлараро муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари дастурини қўллаб-қувватлайди ва коммунистларга инқирога қарши чора-тадбирларни амалга оширишга зўр ғайрат билан қўмақлашини тасвир қилиди.

Марказий Комитет пленуми бевосита республикаларо алоқаларни икки томонлама ва кўп томонлама асосда ривожлантиришни маъқуллаш билан бирга, уларни Иттифоқ шартномаси қонсига қарама-қарши қўйиш маъқул эмас, деб ҳисоблайди.
КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдики, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш амалдаги Иттифоқ қонунларини ҳурмат қилишга ва бекаму-қўст бажаришни талаб қилиди. Бу қонунлар Иттифоқ шартномаси имзолангунча ва янги Иттифоқ Конституцияси қабул этилгунча ўз кучини сақлаб қолади.

5. Пленум қатнашчиларни КПССнинг тарихий иштибоби социалистик олий мақсадлар учун, чинакам миллий ва байналмилал маффаатлар учун кураш билан чабарлар бозорига астойдил аминдилар. Пленум ҳисоблайдики, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг биргаллигидаги фаолияти жум-

ҳуриятларининг янги Иттифоқ шартномаси асосидagi амалий мустақиллиги эришишга қаратилиши керак.

Партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар масалаларини жишлантиришга ҳаракат қилишлари, халқларимизни бирлаштириб турган ҳамда ўзаро ёрдам ва мадакорликка тайиниш имкониятини бераётган қадриятларини муҳофаза қилиш соҳасида янада қатъийроқ ҳаракат қилишлари лозим.

6. КПСС Иттифоқни янгилаш ва сақлаб қолишни ёқлаб чиқётган иктымий-сиёсий ҳаракатлар ва партиялар билан мулоқотга ва ҳамкорликка тайёр. Айни вақтда партия Иттифоқни барбод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўётган миллий-шонистлар билан бирон-бир муроаса келиш аҳтимолини рад қилиди. У айирмачиликка, бошқа миллий қишларига нисбатан адоват уруғларини сочин йўлдаги уришларга, нацистларнинг тумашталарини оқлаш, совет даври тарихини йўққа чиқариш мудоаларига бундан буён ҳам зарба бераверади.

7. КПСС Марказий Комитетининг пленуми шартнома лойиҳасини ва декабрь пленуми якуларини барча бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиш зарур деб ҳисоблайди. Ҳар бир кишининг дилига йўл топиш, халқларимизнинг тақдирлари муштарақлиги, асрий анъаналар, чўқур иқтисодий ва маънавий алоқалар Иттифоқни сақлаб қолишни тақозо этаётганга далил-исботлар билан ишонтириш мумкин. Иттифоқ зарурлигининг яна бир сабаби шуки, у жумҳуриятлар ҳудудий ахлитлигининг, барча халқлар ҳафсизлигининг ишонли қафолатидир. Алоҳида бўлиб олиш, шу жумладан боқовоналар ва бошқа тўсиқлар билан ўзини ажратиш йўлидаги ҳар қандай уришлар иқтисодий бирлашув маффаатларига ва Умумий Иттифоқ бозорини ривожлантиришга зиддир. Қўчи мустақил жумҳуриятлар ва кўчи Иттифоқ — келажакимизни тўла-тўқис белгилаб берадиган диалектик бирликдир.

8. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, қотибдиқли, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район партия комитетларига барча пономаларда Советлар орали партиянинг ССЖИ Иттифоқини сақлаб қолиш ва тубдан янгилаш йўлини ўташишда коммунист депутатларга амалий ёрдам бериш тавсия этилади. Бу соҳада партия матбуоти, оммавий ахборот воситаларида ишловчи коммунистлар фаола ва аниқ мақсадни қўлаб олш туттишлари керак. Пленум Марказий телекўрсатувда миллийларо муносабатларини, совет жумҳуриятлари халқларининг турмушини ёритиш учун махсус «Хамдустлик» каналини барпо этиш кераклигини билдиради. Шу масалалар юзасидан таниқли фан ва маданият арбоблари, ишчилар, деҳқонлар ўз фикрларини билдиришлари, улар ўз оғу-эътиборлари билан, амалий мавқеи билан кўп миллатли давлатимизни сақлаб қолиш ҳаётий зарурат эканини тасдиқлашлари мумкин.

9. Пленум ҳисоблайдики, миллий-давлат қурилишини тақомиллаштириш миллий муносабатлар назарисига ва амалиётининг энг муҳим масалаларини илмий йўл билан чилиш талаб қилиди.

Пленум махсус илмий марказ барпо этилиши, шу муаммолар юзасидан даврий нашр тасис қилинишни кераклигини билдиради. КПСС Марказий Комитетининг қотибдиқли ушбу топшириқнинг бажарилишини назорат остига олсин.

10. КПСС Марказий Комитетининг қотибдиқли, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари, жумҳурият, ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район партия комитетлари Иттифоқ шартномасининг лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида айтилган тақлид ва мулоқазаларни умумлаштириб, ССЖИ Олий Кенгашига ва жумҳуриятларининг Олий Кенгашига тақдим қилинлар.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми мамлакат коммунистларига, меҳнаткашларига мурожаат этиб, кўп миллатли давлатимизни мустақамлаш, фуқароларининг тинчлигини ва миллий ийодлигини таъминлаш йўлида қўғайратларини бирлаштиришга чақиради.

Йил сарҳисоби

БАҒРИ КЕНГЛИК КЕРАК

Халқимизда: «Бағри кенг — уйи кенг», деган доно мақол бор. Кейинги йилларда қайта қуриш, ошқоралик, туғайли дилимиздаги бор ганин тортирмай, баралла айтаямиз. Лекин ҳаётда ўзгариш низолатда секинлик билан бўлиб бераётди. Ўй, мен эртагаёқ туғиллик шох-супасига чиқиб олишимиз керак, демоқчи эмасман. Фақат суз ва иш бирлиги таъминлалиши лозим.

«Деҳқонга эрк берилди», «Ер эгасига топирилди», деб жар солганимизга ҳам беш йилдан ошди. Тўғри, қабул қилинаётган фармонлар, қонун ва қарорлар инсон қўлини илтипатли, Лекин унинг икроси «боғлиқ» бўлиб қолган бўлаётди. Ижарачи ва фермернинг пешонасига оғир оғир, дедя оқиқ айтаямиз-у, аммо ушбу нурнинг ўзи қани?

Ўй, мен солимоқчи эмасман. Ўзгариш ҳар ҳолда сезилмоқда. Энг муҳими — одамларимизда аввал йўқли кетган меҳнатга меҳр қайта тикланаяпти. Шунинг ўзи катта гап. Бизнинг бўлимизда қиёс: жорий йилда богбонларимиз, сабзавоткорларимиз ёмон ишлашмади. Ҳар бир ижарачи ўзига топирилган вазифани сид қидилдан адо этди. Мева ва узум етиштириш салмоғи ортди. Режа орғини билан бажарилди. Ўш ётган 15—20 гектар ерда янги олмазор барпо этмоқчимиз. Жамин майдонга узоқ сақланадиган «Семеренка» нави кўчати экилди. Ерни ҳўқайиб қўйдик. Ниҳоллар ҳам етарли. Эрта баҳордан оқ етарли.

бошлаймиз. Буларнинг ҳаммаси яхши, барчаси кўнглини кўтаради. Аммо хўжалик юритиш усулимиз ҳамон оқ-саб қолаётди.

Йил бошидан бошлаб тулқ ижара шартинида ишлаяймиз. Биринчи гада ижарачиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитдик, маслаҳатлашдик, ҳаракатларимиз мазмунини ва қўламага аниқликлар киритдик. Мақсад аниқ бўлгач, шартномалар тўздик. Бу юмуш аввало бўлимиздаги турта бригада ва битта машина-трактор паркида алоҳида-алоҳида амалга оширилди. Сўнгра ҳар бригада ўзига машина-трактор парки билан шартнома тўзди. Ниҳоят, бўлимиз билан деҳқончилик-саноат комбинати ўртасидаги шартнома вукудга келди.

Хўш, ишнинг бориши қандай кечди? Шартномага асосан томонлар нимага бурсин бўлса, шуни адо этишга ҳаракат қилишди. Богбонлар, сабзавоткорлар ҳайдов ва транспорт техникаси, маҳаллий ва минерал ўғит, турли қишлоқ хўжалик дориворлари, махсулот солинадиган махсус идиллар, мухтаассислар билан таъминланди. Маданий-маиший хизмат турлари йўлга қўйилди. Етиштирилган ҳосилини қилишдан муддатда ва ҳажмида қабул қилиб олиш тўғри ташкил этилди. Пировардида режалаштирилган махсулот етиштирилиб сотилди.

Ҳозирги вазифа нималардан иборат? Умумий даромадининг ҳисоб-китобини чи-

қараямиз. Комбинатга барча ҳаражатларни, ижара ҳақини тўлаймиз. Қолгани эса ижарачиларга меҳнатига қараб тақсимланади. Бундай усулда ишлаш меҳнаткашлар ҳақига ҳиёнат қилишининг турли йўллариини беркитиб қўйганлиги кўп улғу иш бўлди. Чунки ҳар бир ижарачи йил давомида қанча иш бажарганлигини ва унинг авазига қанча ҳақ олишини яхши билди. Сабаби — буларнинг ҳаммаси шартномада оқиқ-ойдин қўрсатиб қўйилган. Биронинг ҳақига биров қўл қўза олмаслиги тайин. Устига устан барча ҳаражатлар, ҳисоб-киتاب ва тақсимоат меҳнат жамоаси йилинда тез-тез муҳокама ва таҳлил этиб борилади. Ҳар қандай ағлаш-шилмовчилик ва чигалликлар ошқора кўн тартибига қўйилди. Хўлас, ишлар яхшилик сари юришайпти, самара эса қувончи. Бирок, юқорида айтганимдек, хўжалиқни бошқаришни янада тақомиллаштиришмасдан туриб муродга етиш қийин.

Бунинг учун нималар қилиниш керак? Бу йилги натижани кўрайлик. Барча тармоқларда давлат буюртмаси ошириб ало этилди. Шунга қўра, олманнинг килограмми 50—60 тийиндан топирилади. Бозорда эса шунча миқдордаги неъмат 2—3 сўм. Орадаги фарқ катта. Бундай аҳволда ижарачининг моддий маффаатдорлигини кўтариб бўладими?

Деҳқонга эркинлик берилган рости бўлса, богбон ҳам ўз меҳнати самарасидан

баҳраманд бўлмоғи лозим. Хўжалик юритишининг бугунги усули ҳудди мана шу нуқтада тўсиққа дуч келмоқда. Оқибатда умидларимиз чинакам чинамоқда. Нима қилинса бунинг олди олинадиган, янада яхшироқ ишларга интилиш кучаяпти? Айтайлик, бўлимизда 750 тонна мева етказиб бериш юзасидан шартнома тузилди. Унинг 50 фоизини давлат бюртмасига топишсак, қолган 375 тоннасини ўзимизда олиб қолиб сарласак, бойда икки томонлама бўлади. Қандай қилиб дерсиз? Биринчидан, биз — ижарачилар махсулотни бозорда сотамиз. Иккинчидан, ақоли учун қудалик туғилади. Сабаби — олма бозор баҳосидан 30—40 тийин арзон. Мана шу жараён узулсиз давом этадиган бўлса, нархнаво ўз-ўзидан пасайиб бораверади. Неъмат бутун 3 сўм бўлса, эртага бир ярим сўмга, келаси ҳафтада бир сўмга тушади.

Бунинг учун озгина бағри кенглик қилиш, хўжалик юритишини чинакамга тақомиллаштириш, деҳқонга ҳақиқий эрк бериш керак. Давлат бюртмаси қамайтирилмас экан, бозордаги нархнаво пасаймайди. Мақсад ял-юрт қилилиги бўлса, шундай қилган маъқул. Ўшанда биз — богбонларнинг меҳнати ҳам ўз қадрини топан бўлади.

Х. ЮСУПОВ,
Хўжаобод районидagi Киров номида деҳқончилик-саноат комбинати 2-ижарачи бўлимининг бошқарувчиси.

ҚУШ

ЗАФАР

Хива райони сабзавоткорлари ва чорвадорлари жорий йили муваффақиятли якуламоқдалар. Эл дастурхонига 9.267 тонна ўрнига 9.974 тонна сабзавот махсулотлари тортиқ қилинди. Давлатга 5.235 тонна, белгилангандан 450 тонна кўп сарфаймоқ сўт сотилди. Бу соҳалардаги режа ошириб бажарилди.

Эришилган меҳнат муваффақиятига айниқса Ленин номида, Фрунзе номида, Отақий номида жамоа хўжаликларини салмоқли ҳисса қўшдилар.

К. БОБОЖОНОВА,

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Ховос районидagi Мичурин номида давлат хўжалигининг Саъдулла Жураев бошқарган бўлини меҳнаткашлари йил мобайнида сидқидил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Эл дастурхонига 1.159 тонна ўрнига 1.280 тонна узум, 355 тонна мева, 320 тонна сабзавот, 260 тонна полз махсулотлари етказиб берилди. Бу ютудга айниқса Турсунбой Облоқов, Эшмурод Хўжақулов, Қобилжон Эркабоев бошлиқ оилавий зверо аъзоларининг улushi катта бўлди.

Меҳнат аҳли келгуси йилда гектарлар ҳисдорлигини янада оширишга, ялли махсулот салмоғини қўпайтиришга сўз беришган. Шу ниятда барча бригада ва звероларда қишқик тадбирлар ушўққоқли билан ўтказилмоқда.

А. НОРҚУЛОВ.

ПУХТА ЗАМИН

Баҳористон районидagi Сулаймон Муродов номида давлат хўжалигининг 8-деҳқончилик участкасига қарашли Хамроқул Гўйиназаров бошлиқ бригада деҳқонлари бу йил 56 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, барча пайкалларда мўл ҳосил етиштирдилар. Уни янгиштириб олиш ушўққоқли билан ўтказилди. Нати-

жада қабул пунктига 110 тонна ўрнига 177 тонна оқ олтин етказиб берилди. Ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этди. Ялли хом ашёнинг 140 тоннаси бункерлардан ағдарилди.

Ингик-терим туғани била ноқ кузги-қишқик тадбирларга зўр берилди. Қисқа муддат ичида пайкалларга 100 тонна маҳаллий ўғит, 20

тонна азот, 24 тонна фосфор солиниб, агротехника қондилари асосида шудгорланди. Икки километр узунликдаги сув йўли тозаланди. Маҳаллий ўғит жамғариш авжада. Механизатор Ойил Тўрақулов ҳар куни 14—15 тонна нурини дала бошига чиқармоқда.

Бу юмушларнинг барисига бригада саркори Хамроқул Гўйиназаров беш-қош.

Н. ТУРСУНОВ.

ИЗЧИЛ БАЖАРИЛМОҚДА

Пахтаобод районидagi «Маданият» давлат хўжалигининг Ганижон Нурматов бошқарган 4-бўлими пахтакорлари бу йил ҳар қанчогидан мўл пахта етиштирдилар. 435 гектар майдондан гектар ҳисобига 32 центнердан хом ашё янгиштириб олинди. Ялли қишқикнинг 95 фоиз юқори навларга сотилди.

— Бу йилги ютуғимизнинг

асосий омили деҳқонлар моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланганида деб ўйлайман, — деди бўлим бошқарувчиси Ганижон Нурматов. — Биз бундан кейин ҳам шу асосда иш юритиб, уларнинг меҳнатларини муносиб баҳолаш, яшаш, ишлаш шартларини яхшилаш чораларини қўравераямиз.

М. ТУХТАНАЗАРОВ.

ОБОДОНЧИЛИК

ЙЎЛИДА

Иштхон районидagi Ленин номида жамоа хўжалигида қишлоқларни янгилаштиришдаи воз кечилди. Бунинг сабабини сурштирдик.

— Деҳқонин сарсон қилишнинг нима кераги бор! — дейди бошқарув раиси Нурматов Турсунов. — Ҳар битта қишлоқда ақоли учун барча шароит яратилиш зарур.

Ҳақ гап. Хўжаликда шундай йўл тутилмоқда. Ҳозир еттига қишлоқнинг барчасида сарта-рошхона, магазин, гўшт дўкони, домий болалар богчаси, мактаб бор. Ушга қишлоқда қойхона қурилиши бошлаб юборилди. 380 деҳқон оиласига ўзи яшайдиган жойдан қўшмача томоққа ажратиб берилди. Хўжалик фаолларини турмуш маданиятини юксалтириш, ободончилик ишларини авж олдириш йўлида астойдил иштирокчилар. Эзгу иш даслабки самараларини бера бошладик.

Ф. ТОШЕВ.

МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

ССЖИ халқ депутатларининг IV съезди мамлакат турмушининг бурилиш босқичида катта оқибат бўлади, деди ССЖИ Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов. У парламентнинг бўлажак анжуманига бағишланиб совет ва чет эл журналистлари учун 12 декабрь кунини Кремлда ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқди.

Съезд янгилашни жараёнларини давом эттириш юзасидан қудларни бирлаштириш гоят муҳим бўлган бир пайтда қақрийдик. Деб сўзини давом эттирди раис. Нотик съезд кун тартибининг маълум қилди, биринчи гада ССЖИ Президентининг мамлакатдаги аҳвол тўғрисидаги маърузасини ва янги Иттифоқ шартномаси концепцияси, уни тузиш тартиби муҳокама қилинишини айтди. Айни мана шу, сўнги маъзу оммавий ахборот воситалари вакиллариди энг кўп қизиқиш уйғотди.

Саволларга қайтарилган жавобларда кўпгина халқ депутатлари шартномани федерация субъектларининг ваколатли делегациялари имзоласа, тўғри бўлади, деб ҳисоблаётганликларини айтди. Аввал бошда ҳужжатни бир неча жумҳурият имзоласа, етарли бўлади, деди А. И. Лукьянов. Сўнгра у нозоқ бериб айтдики, шундай қилинганда ҳужжатни имзолаш шартномага амал қилиб, қолганлари эса аввалгидека ишлайдилар. ССЖИ Иттифоқ ҳозирги мавжуд Иттифоқ бўлиб қолаверади. Мамлакат раҳбарияти у ҳолда турли мақомга эга бўлган жумҳуриятлар мавжуд бўлиши учун ҳуқуқий асосни топади.

Олий Кенгашга тушаётган хат-хабарларга, жамоатчилик фикрини сўраб олиш натижаларига қўра, аҳолининг кўпчилиги Иттифоқни

ёқламоқда, деди парламент раиси.

А. И. Лукьянов съезда албатта рўй берадиган фикрлар ва ёндошувлар хилма-хиллиги бутунлай тушунарли эканини тўғрисида гапириб, турли фракциялар ва депутатлар гуруҳлари билан музокара олиб борилаётганини маълум қилди. Биз умумий тили тоқдик, деди у. Бизни кўп нарсаси ўзгаришларимизнинг тинч тарзини сақлаб қолиш, умумийтифок бозорини вукудга келтириш, аҳоли турмуш даражасининг бундан буён пасайишига йўл қўймаслик вазифаси бирлаштириб турибди... Барча мураккабликларга қарамай съездеда тотувлик йўлини топишга умид қилаяймиз.

Давлат ҳокимиятининг совет шакли ўз имкониятини таомиллашгани, деган савол бердилар. Ўйламанки, ҳеч қачон бундай бўлмайдиган жавоб бўлди. Бу меҳ-

наткаш халқ ҳокимияти шаклидир.

Мамлакатдаги вазият билан боғлиқ масалалардан бири Грузия Олий Кенгашининг Янабий Осетия муҳтор вилоятини тарқатиш юбориш тўғрисидаги қарори хусусида бўлди. Бу ССЖИ Конституциясига зид деб баҳоламоқда, деди раис. Бундай қарор қонуний деб топилиши учун, деб давом этди у, мамлакатимиз асосий қонунига ўзгариш киритиш тўғрисидаги масалани қўйиш керак. Бутун сессияда сўзга чиққан мухториятлар вакиллари Грузия парламентининг қарорига салбий муносабат билдирилди ва бунин парламентга маълум қилишни сўрадилар.

Журналистлар билан учрашувда ССЖИдаги иктымий тузум мавзуи тилга олинди. Социалистик иктымий тузум, деди А. И. Лукьянов, адолатли тузум, келажак тузумидир ва у ривожлантирилиши керак.

ССЖИ Олий Кенгашининг раиси мамлакат халқ депутатларининг съезди муваффақияти эришди, деб умид билдири.

(ТАСС).

Етти хазинанинг бири

ОМИЛЖОРГА ОМАД ЁР

Сариосиёда бройлер фабрикасининг ишга туширилиши паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини берди. Дастлабки, яъни 1989 йилда унинг жамоаси 760 тонна пархез гўшт, 3 миллион 495 минг дона тухум сотди. Жорий йилнинг ун бир ойида эса кўрсаткичлар тегислашди. 1.750 тоннани ва 5 миллион 60 минг донани ташкил этди. Корхона ис-

А. БУРИЕВ,
директор

Фабрикасининг биринчи ва иккинчи цехлари ўтган йилнинг охирида ишга туширилди. Натижада 60 минг наслдор жўжахўроз, 30 минг бош тухумдор товуқ боқиб учун ҳамма шароитга эга бўлди. Ўстиратган жами паррандалар сонини 2 миллионга етказиш имкони яратилди.

Ишчи Каттақўрғон, Қорасув, Вобкент, Тожикистоннинг Сайобод бройлер фабрикаларидан тухум келтириб, инкубацияда жўжа очириб берилади. Четдан келтирилган тухумлар ҳисобига 540 тонна гўшт тайёрлаб сотилди. Умуман йиллик топшириқ 197 тонна зиёда билан бажарилди. 1 миллион 520 минг бош жўжа очирилди, сўйилган ҳар бир жўжахўрознинг тирик вазни ўртача 1 килограмм 490 граммин ташкил этди.

Ишчи бундай йўлга қўйиш нафақат тухум, гўшт етиштиришни кўпайтириш, аёни пайда моддий манфаатдорлигини ошириш манбаи эканини рақамлар аққол кўрсатмоқда. Бултур 2 миллион 34 минг сўм, амалдаги йилнинг 9 ойида 7 миллион 600 минг сўм даромад олдик.

Корхонамида хўжалик ҳисоби жорий этилган. Бригада пудрати усулида иш юритиш, пировард натижадан юқори манфаатдорлик ютуқлар олини бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида янада тадбиркорлик, устамонлик билан ишлаш талаб қилинади. Шу босқиндан ҳар бир топшириқни пухта бажариш, парранда бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, шартнома мажбуриятини тўла-тўқис ушлаш керак. Бу паррандабоқарларимизга, барча ишчи ва мутахассисларимизга боғлиқ эканлиги ҳаммамизга яхши аён.

Шу босқинда асосий бўғиналарни малакали мутахассис кадрлар билан ўқитиладими. Цехларда ишлаётганларнинг аксарияти районимиздаги 2 та ҳунар-техника билми юртини ташкиллаган. Булардан ташқари 40 нафар олий ва тўқинчи олий маълумотли мутахассис меҳнат қилапти. Мавжуд ўрта цехини 3 оператор, 1 соловчи боқармоқда. Жами 420 ишчимиз бор. Бир ишчи меҳнат умумдорлиги 2.014 сўм режалаштирилган бўлса, амалда 7.914 сўмга тўғри келмоқда. Гўшт етиштириш бир йилда 4,4 баравар кўпайганининг боиси шунда.

Ходимларга хизмат кўрсатаётган 3 та дам олиш зонасининг ҳар бирида қулайликлар яратилган: иссиқ ва совуқ сув бор, ошхона ишлаб турмоқда. Дам олиш хонаси зарур жиҳозлар билан тўла таъминланган. Бўш пайларда радио эшитиш, ойнан жаҳон томоша қилиш мумкин. Илчиларимизга махсус кийим-бош берилган. Ўқитилган машиналар уйдан ишхонага, ишхонадан уйга боришда уларга хизмат қилапти.

Муаймлар ҳам йўқ эмас. Фабрикада келгуси йилда тўла қувват билан ишлаш режалаштирилган. Шунга мувофиқ яна 2 миллион парранда парваришини йўлга қўйиш талаб этилади. Бунинг учун 8 та товуқхона ишга туширилиши лозим. Шунингдек, кушхона, 1 та инкубатория, 30 минг дона тухум беришга мўлжалланган товуқхона, 6 минг насли жўжа парваришланган жўжахона, омбор, ердмчи хўжалик бинолари, устхона, асбоб-ускуналарни таъмирлаш цехи фойдаланишга топширилиши даркор.

Аммо бу ишлар кўнгилдагидек бажарилаётгани йўқ. Кўпгина қурилишлар талаб қилинган шартларни бажармаган В. Скорцов бошлиқ механизацияланган 2-қўма қолдони биноқорлар барча объектларини ўз вақтида тўлиқ топширишларига ишонини қийин.

тиқболига назар ташланса, яқин орада йилга 5 минг тонна гўшт, ҳозиргидан бир неча баравар кўп тухум етиштириш кўзда тутилаётгани маълум бўлади. Ютуқлар ўз ўзидан келмайди, астойдил меҳнат эса бесамаара кетмайди. Корхона ходимлари билан суҳбатимиз ишдаги тажриба, ютуқ ва муаммолар хусусида борди.

Бизга эса юқоридагиларнинг ҳаммаси керак. Негаки, келгуси йилда 3,5 минг тонна пархез гўшт етказиб беришимиз зарур. Ҳозир ҳам режа юқоридан берилаётгани, деб ажабланишимиз мумкин. Афсуски, шундай. Буйруқбозлик, мавжуд аҳвол билан ҳисоблашмаслик ҳамон дамона эътиборда. Бу ҳақда тегисли ташкилотларга мурожаат қилишнинг нафи бўлмапти.

Фабрикамиз ҳозир жумҳурият сут-гўшт бирлашмасига қарашли Термиз музоҳасаси корхонасининг буюртмасини бажармоқда. Биз эса шартномачи шериклар сонини кўпайтишни истаймиз. Бунис бозор иқтисодиёти даврида яшаш, иш юритиш мўшкул бўлади.

Х. ХОЛНЕСЗОВ,
бош иқтисодчи

Фабрикамизда маҳсулот ҳажминини кўпайтириш, таъминини аризонлаштиришда сезиларли натижалар кўлга киритилмоқда. Масалан, минг дона тухум етиштиришга 150 сўм сарфлаш кўзда тутилган бўлса, амалда анча кам ишлатилмоқда. Бултур бу 138 сўмин ташкил этди. Ёни бир центнер гўшт тайёрлаш учун 290 сўм ўрнига 230 сўм харжланди. Рентабелли 57 фоизга етди. Ўтган йилда фойда белгиланганидан 5,2 марта зиёд, яъни 388 минг сўм ўрнига 2 миллион 34 минг сўм бўлди.

Бу йил ялпи даромад 7 миллион сўмга етиш кўзда тутилган эди. Тўқинчи ойдаёқ 7 миллион 600 минг сўм даромад олдик. Йилги 16 миллион сўм, фойда 8,5 миллион сўм бўлиши кўтлмоқда.

Келгуси йилда янада катта. Парранда бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш асосий корхонамиз иқтисодиётини мустақамлашмиш керак. Шунинг учун мавжуд имконият ишга солинмапти. Тежамкорликка эътибор кучайтирилмоқда. Бултур 597 тонна озуқа иқтисод қилинди. 1.000 дона тухум етиштиришда 9,3 ўрнига 9 ишчи соати сарфланди.

Янги йилдан бозор иқтисодиётига ўтамиз. Бу йўл беиз таълимлади. Янгица шароитда ҳаммадан ишбилармонлик, шартнома мажбуриятини тўла-тўқис бажариш талаб этилади.

Биз етиштирган маҳсулотнинг катта қисми савдога чиқади. Лекин бунда ўзимизнинг иш-тирокимиш кам. Паррандачилик саноати корхоналарига, давлат ва жамоа хўжалиқларига, кенг аҳоли истеъмолга ўз маҳсулотларимизни ўзимиз сотишимиз лозим. Бунинг учун ўзаро шартномали ҳамкорликни йўлга қўйиш керак. Бу борада дастлабки қадам ташланди.

Вилоятимиздаги Жарқўрғон ва Шеробод паррандачилик фабрикаларини тухум билан таъминлаймиз. Шунингдек Шахрисабз, Қамаси фабрикалари билан ҳам шартномалар туздик.

Ч. ИҶДОШЕВ,
бригада бошлиғи

Фабрикамизда гўшт ва тухум учун мўлжалланган товуқлар алоҳида-алоҳида парвариш қилинади. Гўшт учун жўжахўрозлар 63 кунда тайёр бўлиши, 70 кун деганда сўйилиб, савдо-

Фабрикада меҳнат суруни авжида. Паррандабоқарлар гайрат билан ишламоқдалар. Бунинг самараси кундалик ишда, топширилаётган маҳсулотларда кўзга аққол ташланмоқда. Сариосиёда парранда гўшти илгаригидан кўпайган, ош-

га жўнатилиши керак. Бу ишлар қай йўсинда бажарилиши меҳнатимизга боғлиқ эканлигини яхши тушунамиз. Шу босқиндан товуқлар парваришини зооветеринария қондалари асосида олиб боришга интилаймиз.

Мен фабрика ишга тушгандан бери шу ерда ишлайман. 1979 йили Тошкент паррандачилик техникумининг иттиёбли тугатганимни, Термиз ва Жарқўрғон паррандачилик фабрикаларида ишлаб, етарли тажрибага эга бўлганимни эътиборга олиб, бригада бошлиғини эътиборга олиб, Саноат негизда гўшт етиштирувчи цехда меҳнат қилишимиз. Ўрта ҳисобда 40 минг бош қилиб қўйишга 63 кун боқиб осон эмас. Ҳар бирини кунига ўртача 20 граммдан семиртириш керак.

Ишимиз натижалари чакки эмас. Жорий йилда 1.200 тонна гўшт етиштириш белгиланган. Ҳозиргача 1.500 тонна эъти бажарилди. Ҳар товуқнинг оғирлиги 1,4—1,5 килограммга тўғри келди.

Йил охиригача яна 81 тонна гўшт етиштириш ниятланган. Шу мақсадда инкита цехда 70 минг жўжа боқилмоқда. Жами ўстирилатган катта-кичик парранда сони 320 минг бошга етади.

Ойлик иш ҳажимиз 380—400 сўмдан кам бўлмапти. Гулсал Ҳўраева, Нисолат Пўлдошева, Тўшбоби Шокирова, Аширхон Нисонова сингари паррандабоқарларимиз, Абдураҳман Курбанов, Абдулжалил Шодиев, Музафар Юсупов каби техникасозларимиз айниқса гайрат билан ишлайптилар.

А. МЕЛИБОВЕВ,
бригада бошлиғи

Мен наслдор товуқлар боқилдиган бўлимда бригадирман. Ҳар бири 7,5 минг бошга мўлжалланган 4 та товуқхонада 30 минг парранда боқамиз. Улар 420 кундан ошганда сўйилади.

120 кунлик товуқларни қабул қилиб оламиз. 180 кунлик бўлган, улар тухум бера бошлайди. 240 кун тухум қиладиганлари алоҳида парваришланади. Ўрта ҳисобда ҳар товуқдан йил давомида 180 та тухум олишимиз лозим.

Ҳозирча иш кўнгилдагидек борапти. Бригадамизда бу йил 2 миллион 350 минг дона тухум етиштирилиши керак эди, бугунгача 2 миллион 210 минг донадан ошди. Йил охиригача жами 2 миллион 450 минг доната етказишни мўлжаллашимиз. 1 миллион 715 минг дона тухум очириб талаби даражасида бўлгани биз учун катта ютуқ ҳисобланади.

Жамоамиз 23 кишидан иборат, 8 нафари товуқбоқар. Дилором Нозимова, Анор Олтиева, Гулнора Бобомуродова қабилиринг гайрат-шижоати туфайли бригаданиз эришяётган ютуқлар қувончли бўлапти. Келгусида улар янада кўпайиб боради.

О. КОМИЛОВ,
инкубация мудири

Фабрикамиз ютуғида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Ишнинг боши инкубациядан бошланади. 14 кишилик жамоамиз уч сменада ишлайди. Ҳар уч кунда 25—30 минг жўжа очирилади. Қўйилган тухум 21 кунда етилиши керак. Биз 65 фоиз ўрнига 70 фоиздан зиёд жўжа чиқишига эришяпмиз.

Бунда оператор ва нуричларимизнинг хизматлари катта бўлаётди. Ш. Комилов, У. Тўйчиев, Н. Баротов сингарилар ишда ўрнак. Уларнинг фидойи меҳнати туфайли бу йил инкубацияга қўйилган 1 миллион 685 минг тухумдан 1 миллион 297 минг жўжа олдик.

хона ва дўқонларда товуқ гўшти, ундан тайёрланган таомлар сероблашган экан, буларнинг ҳаммаси бройлер фабрикаси ишчи-хизматчиларининг бақали меҳнатлари шарофатидандир.

М. БОТИРОВ.

ИҚТИСОДИЁТ
ЯНГИЛИКЛАРИ

**Хўжалиқда
газлама
тўқилмоқда**

Урганч районидан Қалинин номли колхознинг ердмчи хўжалиқлари тайёрлаб берадиган маҳсулотлар рўйхатида навбатдаги янгилик — миллий шойга газламаси пайдо бўлди. Тақчил матони тўқиб чиқариш учун бешта аjoyиб дастхўз соғит олинди. Газлама ўзига хос зарҳал ип билан қўшиб тўқилмоқда.

Колхоз аъзолари тўқимачилик касбининг ағалашларида наманганлик шойи тўқичилар ёрдам беришди. Улар янги цехни ишга туширишда қатнашдилар, хўжаликка тажрибали усталарни юбордилар.

Жамоа хўжалиқига тақчил матони тайёрлаш учун зарур хом ашёни етказиб бериш масаласи ҳам ҳал этилди. Хўжалик Урганч шойи тўқимачилик жамоаси билан ипак иплари харид қилиш тўғрисида шартнома тузди, бу йилда колхоз пиллакорлари режадан ташқари олган пилладан тайёрланди.

**КАМАЛАК
жилолари**

Тошкент Тўқимачилар саройида кўргазма очилди. Ҳамма нарса тақчил бўлиб турган пайтда кўргазмага қўйилган ранго-ранг газламалар гайратабий кўринар экан. Бу ерда газламаларни сотишга бағишланган йиллик анъанавий жумҳурият улуғ йрмаркаси иш бошлади.

Жумҳурият ип газлама ва шойи тўқимачилик корхоналарининг жамоалари сотувчи, улгурчи-савдо ташкилотлари эса харидор вазифасини бажаришмоқда. Ўзбекистон тўқимачилик ва шойи тўқимачилик корхоналари унда қатнашиш хохшини билдирганликларини ана шу тадбирга қизиқиш катта эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий саноат вазирлиги, аҳолига маъийи хизмат кўрсатиш вазирлиги, енгил саноат вазирлиги ўз вақиларини йрмаркага юбордилар.

«Ўзгавелгаснабсит» бошқармаси йрмаркани ташкил этди. Йрмарка 16 декабрдан ишлади.

(ЎзТАГ).

САХОВАТ

**НОГИРОНЛАРГА
ИМТИЁЗЛАР**

Бухоро вилоят ижрония кўмитаси кўзи оғиз ногиронларга қўшимча имтиёзлар белгиледи. Ижрония кўмитанинг дарорига буюн турли кўз касаллиқларига чалинган 1745 кишининг ҳаммаси савдо ва умумий оғайнашнинг корхоналарининг хизматлари навбатдан ташқари фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлилар. Улар турли молларни сотиб олиш учун турар-жойларидан дўқонларга брикитириб қўйиладилар. Ногиронларнинг хоҳишга буюн оғайнаш маҳсулотлари хизмат ҳақисиз уларнинг уйларига етказиб берилиши мумкин.

ПЕНСИЯ КЎПАЙДИ

Мирзачўлда уруш ва меҳнат ветеранлари П. Борзиқ ва Б. Жаҳонқий, А. Қудеков ва Б. Пряматов, Х. Рамазонов ва боқарларнинг пенсияси кўпайтирилди. Бу Сирдарё вилоят ижрония кўмитасининг Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсиялар ҳажминини кўпайтириш тўғрисида қабул қилган қарорининг кучга киргалиги натижасидир.

ХЕЧ КИМ

ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

70 нафар пенсионер «Мазрак» комплексининг ошхонасида меҳр-муруват ва саломатлик жумҳурият ҳамда вилоят жамғармалари ҳисобидан тушлик қилиди. Уларга шунингдек пуд, чоплар, кийимлик газлама,

тақчил озиқ-овқат моллари совға қилинади.

— Бундан кейин шунга ўхшаш урғуларнинг муассис ўтказиб тураимиз, — деди Қашқадарё вилоят ижрония кўмитанинг бошқармасининг бошлиғи Р. Д. Сатторов, — ердмча муҳтож бирор киши эътибордан четда қолмайди. Йил бошдан бери хайрия тадбирлари учун ҳозирдаёқ 62 минг сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

**ХАЙРИЯ
ОШХОНАСИ**

Наманганда хайрия ошхонаси очилди. Уни ташкил этишда Ўрта Осиё темир йўли Наманган бўлимининг ишчи таъминоти бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон ССЖ халқ депутаты П. Сандазмов ташаббускор бўлди. Депутатнинг сайловоти ҳаракат дастури асосий бандлардан бирида ёғиз қолган кескаларга, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларига ғамхўрлик қилиш ёғиз қўйилган эди. Депутат ўз сўзининг устидан чиқди.

«Саховат» домини олган ошхона шаҳарнинг етти маҳалласида яшайдиган пенсионерларга хизмат қилади. Ошхонага кела олмайдиганларнинг уйларига масалликлар етказиб берилади.

Сарф-ҳаражатлар ишчи таъминоти бўлимининг фойдаси ҳисобидан қопланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, «Саховат» кетидан ҳаражатлар 18 минг сўмга тушади. Бунинг қоплашга ишчи таъминоти бўлимининг қўриб етади, албатта.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТОКИО. (ТАСС мухбири Вадим ЕГОРОВ). Япония ўз фан-техника имкониятлари бўйича Ғарбий Европададан ўзиб кета бошлади. Айни пайтда Қўшма Штатлар бу соҳада пешқадамликни секин-аста бой бермоқда.

Японияда фан ва техника бошқармаси 1965 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда саноат ва фан билан боғлиқ соҳаларда ишлатиш учун мўлжалланган маҳсулотлар билан миллий савдо қилишдаги ўзгаришлар таъминоти, патентлар ва илмий ишларнинг, ишланмаларга кетган харажатларнинг миқдорини ҳамда олимлар миқдорини АҚШ, шунингдек саноати ривожланишда етакчи мамлакатлар — ГФШ, Франция ва Буюк Британия билан қўшиб ҳисоблаганда Европада буюн даражасида қиссан тақчил қилган, ана шундан хулосага келиди.

Тадқиқот, хусусан, тақчил этилатилган бешта мамлакат чет элга сотган жами маҳсулотини 100 фоиз деб олинган бўлса, Ғарбий Европадаги уш мамлакат 20 йил ичида сотган саноат моллари 58 фоиздан 49 фоизга тушиб қолганлигини қўрсатди. Айни пайтда Япония ўз улушини 27 фоизга қиқариб, 60-йилларнинг ўрталарида Япониядан икки баравар олинган бўлган Қўшма Штатлардан ўзиб кетишга муваффақ бўлди.

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС мухбири Валентин КРЮКОВ). Зим-зём тун бағрида секкин-аста қаровон боради. Одамлар ва хайвонларнинг бир маромада нафас олаётгани эшитилди, гоҳ-гоҳида қамчи урилиши қўлқоқча чалинади — эфиопиялик контрарабандчилар қорамолларни ўзга малакатларда сотиш учун чегарадан ўтиб бормоқдалар.

Бу ишга муккасидан кетган фирибгарлар ана шу айриқунуний ва ҳаффи, лекин ниҳоятда фойдали иш билан шуғулланибдилар. Улар ҳар йили ўзларига маълум бўлган сўқмоқлар орқали молларини чегарадан олиб

ўтадилар. Ишнинг тарзда четта олиб чиқилаётган моллар сони талабга қараб ўзгариб туради.

Эфиопия қорамоллар сони жиҳатидан Африкада етакчи ўринни эгаллайди. Молларнинг қўлғидан фойдаланган ишнинг тарзда иш олиб борувчи фирибгарлар жониворларни қўшни мамлакатларда олиб—сотарларга арзон нархларда пуллайдилар. Мамлакат бунинг сиз ҳам валюта тақчиллигини бошимдан кечирмоқда. Ташқи бозорда харидорнинг бўлган моллар билан, шў жумладан қорамол билан ишнинг савдо қилиш қўшимча муаммолар келтириб чиқаради.

БУДАПЕШТ. (ТАСС мухбири Андрей Кузлин). Шу кунларда таъсис этилган умумевроп видеоқорчиликка қарши уруш ўтлош қилиди. Бирлашмага мамлакатда ишлаб турган бир неча фирма, шў жумладан қўшма корхоналар кирди. Ишнинг иш олиб борувчи фирибгарларга қарши курашишга, ўз манфаатларини ҳимоя қилишда умумий ташкилот тузишга уларни «Панхона бозор» да кескиланиш кетган рақобат мажбур этди. Видеотекаларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, «видеокарчиликка» қарши курашда қонун тақчиллигини тайёрлаш янги ташкилотнинг вазифасига кирди. Венгрияда ҳамма ерда: бозорларда, ер ости ўтиш йўлларида, автобус бекатларида, дўқончаларда ишнинг касеталар билан савдо қилмоқдалар. Ассосан Ғарбда кейинги вақтда тайёрланган жангарилар ҳаётидан олинган бўлмағур фильмлар тақдиф этилади. Бундай маҳсулотларнинг техникавий ва эстетик сифати шубҳали бўлганлиги учунгина эмас, айни вақтда муаллифлик ҳуқуқларини ошқорлаб қўйишнинг, фирибгарлар ўз даромадларини солиқ солинишдан яширайётганликлари ҳам бундай фаолиятга қарши норозилик келтириб чиқарди.

ИЖЕВСК. П. И. Чайковский туғилб ўсган жойда буюк рус бастокори тавадуд топан куннинг 150 йиллигига бағишланган фестивалга ниҳоятда етди. Музикий байрам программаси бу ерда Воронеж симфоник оркестрининг чиқиши билан тугалланди.

ҚОЗОН. Татаристон жамоатчилиги 3 декабрь кунини бастокор Солих Сайдашев туғилган кунини 90 йиллигини нишонлади. Шу сана мукосабати билан унинг тўла асарлар тўламини нашр қилишга тайёргарлик бошланди. Бастокорга хайкал ўрнатилган. Хайкални Қозон шаҳрида ўрнатилган қарор қилинган.

(ТАСС).

**БИР ЙИЛ
КЕЧИКИБ**

Муборак газни қайта ишлаш заводида олтингугуртин тозалайдиган технология қўришга ўрнатиб бўлиди. Унинг сийовалари бошлаб юборилди. Пайвандаш ишлари, насос ускуналари, қўлдан-қўл қувурлар ва сепараторларнинг сифати текширувдан ўтказилиши керак.

Лекин ҳамма иш ҳам силди бораётгани йўқ. Создовчилар корхонани ишга тушириш дастурининг қатъий жадалига риоя қилиш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар. Яқин кунлар ичида 2,5 миллиард кубометр газни олтингугуртдан тозалаш қувватига эга бўлган қурилма ишга туширилиши керак.

Аслида у ўтган йили фойдаланишга топширилиши лозим эди. Лекин «Муборак газ саноат қурилиши» трест биноқорларига маҳсулот етказиб бериувчилар пайд бериб қўйишди. Мўшмал халқ хўжалиги ишшоитига Россия федерациясини вилоятларидан ёғоч-тахта, шифер, металл бир маромада келтирилмади. Таллинн, Грозний, Волгоград машинасозлари технология ускуналарини етказиб бериш норматив муддатларини буздилар.

Янги қурилма ишга туширилиш билан заводнинг қуввати кўпаймади, балки у корхонанинг ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган блоклари ўринини эгаллайди. Аммо унинг янада мукаммалроқ технологиясини Муборак заводи бирмунча пухта ва бир маромада ишлашга имкон беради. Худди шу ерга янги блокларда водород сульфиддан тозаланган газ келади.

Янгица ёндашув

ПУЛ БЎЛСА ЧАНГАЛДА ШЎРВА

Зомин район тайёрлов идораси ҳар йили давлатдан қардор бўлиб қолар, унинг ўрни матлубот жамиятлари қўриган фойда эвазига қопланади. Корхонани қолоқликдан олиб чиқиш учун нима қилиш керак? Бу саволга жавоб топилади. Раҳбарлиқни мустақамлаш, ходимлар масъулиятини ошириш, ҳар бир сўм, ҳар бир тийинни тежаб-тежаб сарфлаш ўз самарасини берди: тайёрлов идораси зарар ўрнига фойда келтира бошлади.

Яхшилик Тоғаев — тажрибали иқтисодчи. У корхонага раҳбар бўлиб келгач, қонунсиз, ноўрин сарф-харажатларнинг йўли тўсди. Албатта, юқори ташкилотлар ҳам «еим» туришгани йўқ. Таъйин ва таъйиб қўйиш, корхона директорида турли айблар тақалди. Пул ва савдо маҳсулотлари тайёрлаш сурувати еуст, деган даъволар айтилди. Тайёрлов идораси маҳсулот тайёрлаш ва сотишдан қандайд фойда қўриятми? Масалан, шў жиҳати эътибордан четда қолди. Буйруқбозлик муҳити янгица ёндашувни рад этди. Бундай шароитда «қараван жойидан силжитиш» маҳол эди. Биз Я. Тоғаев билан ўша кунларда учрашдик.

— Эскича иш услублари қўлимизни боғлаб турбиди, — деганда Яхшилик ака уф тортиб. — Тўлғаниб қолган муаммолар кўп. Уларни ҳал этмай туриб олға бориб бўлмайди. Ҳозирча сўзимиз бошқа-ю ишимиз бошқа. Режалар ҳақмон юқоридан белгиланмоқда ва шунинг учун ҳам пухта асосга эга эмас.

Бу фикрда жон бор. Мисоллар

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12